# МАМЛАКАТ бўйлаб

## «Газтекс» маҳсулоти экспортга

**Олтиариқ туманидаги «Газтекс» масъулияти чекланган жамиятида соф пахта толасидан тайёрланаётган экологик тоза ишчи коржомалари Россия ва украиналик газчиларга жўнатилмоқда.**

■ Жамият тикувчилари ҳамкорлар буюртмасига асосан ойига 8-10 минг дона тўрт ўлчамли коржомаларни тайёрлашмоқда. Бугунга қадар газчиларга етказиб берилган маҳсулот қиймати 120 минг долларни ташкил этмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги иқтидорлар кашф этилди

***Урганч шаҳрида "Келажак овози" республика кўрик-танловининг вилоят саралаш босқичи бўлиб ўтди.***

■ Унда 1645 нафар иқтидорли йигит-қиз иштирок этди. Бу ёшларнинг ушбу танловга йилдан-йилга қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

Жорий йилги танловда янги "Спорт" номинацияси бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Янги йўналиш ёшларнинг спортга бўлган ихлосини янада орттириши табиий.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Зарбанд мармари

***Иштихон туманидаги «Зарбандмармар» конида иш бошланганига ўттиз йил тўлди. Аммо унинг шуҳрати фақат мустақиллик йилларида ошди.***

■ — 1998 йилда республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 820 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олдик, — дейди кон бошлиғи Баҳодир Шакаров. — Ушбу кредит ҳисобига Италияда ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналарни келтирдик. Улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилгач, иш унуми 15 бараварга кўпайди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бухорода қовун сайли

***Бухоро шаҳридаги Сомонийлар боғида қовун сайли бўлиб ўтди. Бу ерда ўнлаб фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган ширин-шакар қовунларни кўргазмага қўйдилар.***

■ Мутахассислар Бухорода азал-азалдан етиштириб келинган «Амири», «Бўрикалла» қовун навларига юқори баҳо бериб, уруғчилик масаласида ўзаро фикр алмашдилар.

Икки кун давом этган анъанавий қовун сайли якунида бу ноз-неъматнинг камайиб бораётган навларини кўпайтиришга ҳисса қўшаётган фидойи деҳқонлар меҳнати алоҳида эътироф этилиб, рағбатлантирилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Компьютерда китоб ўқийман»

***Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази ташкил топганига яқинда юз йил тўлади.***

Шу муносабат билан тайёргарлик ишлари кетмоқда: ахборот технологиялари бўлими ҳамда компьютерлар зали секторлари ташкил этилди. Марказ телеком мутахассислари ёрдамида «Ziyo NET» республика илмий таълим ахборот тармоғига уланди. Жамоа ўз мухлисларига 500 минг нусхадан ортиқ китоб фонди, 110 номдаги 116 нусхада матбуот нашрлари билан хизмат кўрсатмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мустақиллик, экология, саломатлик

***Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваль бўлиб ўтди.***

«Экосан» халқаро ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда тегишли корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари вакиллари, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбир доирасида юртимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган беқиёс ютуқлар акс этган фотосуратлар, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати кўргазмалари намойиш этилди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда вилоят шаънини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ёш спортчиларнинг чиқишлари, таниқли санъаткорлар, фольклор-этнографик жамоалар ижросидаги куй-қўшиқлар барчани мамнун этди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олдидан

(Давоми. Боши 1-бетда).



## ХАВФСИЗЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Қонунга мувофиқ Маъмурий кодекснинг $196^1$, $224^1$, ва $224^2$-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш судлар ваколат доирасига киритилган. Мазкур ҳуқуқбузарликлар содир этилганда чегара қўшинлари маъмурий йўл билан фуқароларни, шунингдек, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш ҳуқуқига эга.

**— «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ушбу қонун лойиҳаси ҳукуматимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритилган. Қуйи палата томонидан шу йилнинг 21 июнида қонун лойиҳаси муҳокамалардан сўнг қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун тақдим этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги телекоммуникациялар тармоғининг давлат томонидан бошқарилишини, шунингдек, мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимининг шакллантирилиши ва самарали фаолият юритишини таъминлайдиган махсус ваколатли орган этиб тайинланган.

Бу каби ўзгаришлар эса тегишли қонунларни мувофиқлаштиришни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритилмоқда.

Қонуннинг «Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш» деб номланган 19-моддасининг биринчи қисми «Фавқулодда ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқалар) телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш ҳамда уларни марказлашган ҳолда бошқариш, шунингдек уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга» деган мазмунда янги таҳрирда баён этилмоқда.

Бу эса фавқулодда вазиятларда идоравий мансублигидан қатъи назар телекоммуникация ресурслари ва тармоқларини марказлашган тартибда бошқариш, авария-тиклаш ҳамда қутқарув ишларининг самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимига кирувчи операторлар тармоқлари ва ресурсларининг самарали фаолият юритиши ва улардан оқилона фойдаланиш, зарур ҳолларда мамлакат манфаатлари йўлида, фавқулодда вазиятларда улардан марказлашган ҳолда фойдаланишни таъминлаш ишларининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Ишонамизки, юқорида номлари келтирилган қонунларнинг қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилиши давлатимиз суверенитети даҳлсизлиги, халқимиз осойишталиги, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишида ҳамда мамлакатимиз хавфсизлигининг таъминланишида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Юнус БЎРОНОВ суҳбатлашди.**

## ҚОНУНЛАР — ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

***Истиқлолимизнинг 16 йиллик шодиёналари арафасида Олий Мажлис Сенатининг XI ялпи мажлисини ўтказиш ўзига яраша маънога эга. Зотан, шу кунлар шукуҳини ҳис этиш, муқаддас неъмат — озодликнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳар бир сенаторнинг кўнглида кечаётгани бор гап. Ўз навбатида, ялпи мажлис кун тартибига қўйилаётган ҳар бир қонун истиқлолимиз тамал тошининг янада мустаҳкам бўлишига, иқтисодиётимиз ривожланишига хизмат қилади.***

Юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ҳам мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришга йўналтирилган қонунлар қатори "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини сенаторлар эътиборига ҳавола этмоқда.

Бешта моддадан таркиб топган мазкур Қонун "Давлат божи тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Шундай қилиб, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасидаги "уй-жой мулкдорлари ширкатлари" деган эски ном "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонунда номланганидек "хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари" деган янги ном билан алмаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу моддадаги "фойдаланиш харажатлари", "уй-жойдан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари" деган тушунчалар ўрнига "мажбурий бадалларни тўлаш" тушунчаси киритилмоқда. Юқорида тилга олинган икки тушунча "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳам акс этмоқда.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органларининг уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ғайриқонуний қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан судга шикоят қилганда, давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгилаб қўйилган. Шу боис, "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотлар умумий юрисдикция судларига (биринчи банднинг "$я^4$" кичик банди) ва хўжалик судига (иккинчи банднинг "ч" кичик банди) мурожаат қилганида давлат божини тўлашдан озод этилиши тўғрисидаги қоидалар билан тўлдирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳужжат амалдаги қонунчиликни ҳаётга самарали татбиқ этишга имконият яратиб, уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлайди.

**Нодира КАРИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси.**

---



*АСР МЎЪЖИЗАСИ:*

# ТОҒЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН ПЎЛАТ ИЗЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

навбатчиси Ўрал Эшмуродов, механик Жасур Заргулов ҳам ишни шу ерда бошлашиб, касб сирини пухта эгаллашяпти. Ҳозир бекатимизда 100 киши ишлаётган бўлса, уларнинг тўқсон фоизи маҳаллий ёшлар. Йўловчи ташиш бошланиб, вокзал ишга тушганидан сўнг яна камида йигирма киши ишли бўлади.

Биз бекатда янги темир йўлга биринчи рельс ётқизганлардан бири — Йўлдош Соҳибов, билан мулоқотда бўлдик. У тажрибали темир йўл устаси. Темир йўлда иш бошланган дастлабки кунларни сира эсидан чиқармайди. Ўшанда ҳамма ҳаяжонда эди. Кимдир тоғлар бағридаги Деҳқонободга «тақа-туқ» қилиб поезд келадиган бугунги кунни тасаввур қилган бўлса, айримлар шубҳа билан қараганди. Дарҳақиқат, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли кўлами жиҳатидан афсонавий лойиҳа эди. Унинг «Аср мўъжизаси» бўлиб рўёбга чиққанлиги истиқлолнинг кучини, халқнинг хоҳиш-иродаси нималарга қодирлигини яна бир карра намойиш этди.

### 1540 метр баландликда

Темир йўл қурилишининг энг мураккаб жойи Деҳқонободдан Дарбандгача бўлган қисми эди. Буни лойиҳачилар ҳам, йўлсозлар ҳам яхши билларди. Бу икки бекатнинг ўртасида эса Чак-чак довони бор. Поезд денгиз сатҳидан 1540 метр баландликдаги довондан ошиб ўтиши керак. Шу чўққининг устида «Оқработ» бекати қурилди.

Унгача поезд қанчадан-қанча сув ўтказгичлар, баҳайбат кўприклардан ўтиб боради. Улардан энг йириги Консой кўпригидир. Узунлиги 234 метр, баландлиги 44 метр бўлган бу кўприкни «Ўзбекистон» темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг кўприк қурилиш тресты жамоаси бунёд этди. Бундай баландликдаги темирбетон кўприкни тиклашнинг ўзи жасорат. Тепадан пастга қараган одамнинг кўзи тиниб, боши айланиб кетади. Кўприкни кўргани келган япониялик мутахассислар ҳам ўзбек кўприксозларининг маҳоратига қойил қолишди.

— Кўприкнинг баландлиги ўн беш қаватли уйга тенг келади, — дейди трестнинг Андижондаги 67-бўлинмасидан келиб ишлаётган Расулжон Норматов. — Кўприксозларимиз устунларни шу баландликка кўтаргунча осмонўпар ҳавозаларда юришди, кўпинча осилиб ишлашди. Бугун меҳнатимизнинг натижасини кўриб, қувониб ўтирибмиз. Кўприкнинг устидан оғир юк ортилган поездлар пишқириб ўтиб турибди.

Тоғ йўли бўйлаб олға интилаётган поездлар «Оқработ» бекатида бир тўхтаб ўтади. Биз шу ерда тепловоз машинисти Ғулом Тошев билан мулоқотда бўлдик. Ўттиз йилдан бери тепловоз бошқараётган тажрибали темир йўлчи ўз ҳаяжонини яширмади.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз темир йўл хўжалигини тартибга солиш бўйича кўп иш қилинди, — дейди у. — Навоийдан тўғридан-тўғри Нукусга борадиган темир йўл қурилишида ҳам қатнашганман. Лекин бу йўл бошқача. Асосий қисми тоғли ҳудуддан ўтади. Бу машинист учун жуда катта масъулият. Янги йўлда поездлар қатновини йўлга қўйишга ҳисса қўшиб турганлигимдан фахрланаман.

Темир йўл қурилиши билан боғлиқ ҳаяжонли воқеалар кўп. Оқработлик Шарофиддин Назаров мактабни битириш арафасида «қишлоқдан темир йўл ўтармиш», деган гап чиқиб қолди. Тез орада лойиҳачилар ҳам келишди. Ўшанда «темир йўлчи бўламан, қишлоғимга поезд олиб келаман», деган ниятни кўнгилга қаттиқ тугди. Шу ният билан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтига кирди. Қурилиш бошлангунча ўқишни ҳам битириб олди. Чуқурсой бекатида навбатчи бўлиб ишлади. Тақдирнинг ҳазилини қаранги, темир йўл уйининг устидан ўтадиган бўлди. Уйни бузиб, бошқа жойга кўчишга тўғри келди. Темир йўл идораси ёрдам қилди. Уч ойда янги уйга кўчиб киришди. «Оқработ» бекати ишга тушганидан бери бекат бошлиғи вазифасини бажариб келаяпти. Бу ерда иккита коттеж-уй қурилиши ниҳоясига етказилаётган экан.

— Уйларнинг биринчиси бекат бошлиғига бериладида, — деймиз ҳазиллашиб. — Темир йўл эски уйни бузган бўлса, яна битта янгисини қуриб бераётган экан.

— Аллоҳ насиб қилгани бўлади, — дейди Шарофиддин босиқлик билан. — Яна 24 та коттеж қурамиз. Бу ерда ишлаётганларнинг ҳаммаси уй-жой билан таъминланади. Ҳали бу ерларда мактаб, болалар боғчаси қурилади.

Чак-чак довонида поездларни кутиб олиб, кузатиб қўяётган темир йўлчилар шундай ишонч билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. «Оқработ» бекатидан уёғи эса Сурхондарё вилояти. Баландликдан Дарбанд томонга қарасангиз, тоғ этагидаги сойларнинг устида илон изи бўлиб чўзилиб ётган пўлат изларга кўзингиз тушади.



**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.**

---

# МИСРДАН КЕЛТИРИЛГАН МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил апрель ойида Қоҳирага расмий ташрифи Миср Араб Республикаси билан икки томонлама муносабатларнинг барча йўналишларини янада юқори поғонага кўтарди. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришда шу масалага доир имзоланган битимлар асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги ўзаро илмий ва маданий-маърифий алоқалар тадрижий равишда ривожланиб бормоқда.***

**Қадрият**

Президентимизнинг диёримизда туғилиб ўсган ва бутун ислом оламига донғи кетган алломаларнинг хорижда мавжуд асарларини аниқлаш, ўрганиш, тўплаш борасидаги кўрсатмасига биноан, олимларимиз томонидан Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги "Миллий кутубхона ва архивлар бош бошқармаси" ("Дор ал-кутуб ва ал-васоиқ"), ал-Азҳар мажмуаси таркибидаги "ал-Азҳар" университети кутубхонаси, "Қўлёзмаларни тадқиқ этиш маркази" кутубхонаси ҳамда Искандария кутубхонасида сақланаётган қўлёзмалар ўрганилди. Натижада Қоҳира шаҳридаги Миллий кутубхонада сақланаётган қўлёзмалар ичидан Термизда туғилиб вояга етган ва ислом оламида "ат-Термизий" номи билан шуҳрат қозонган уч аллома: Ҳаким ат-Термизий, Исо ат-Термизий ва Умар ат-Термизийлар қаламига мансуб ноёб асарларни топишга эришилди. Энг муҳими, мазкур олимларнинг ўн битта қўлёзмасидан олинган электрон нусхалар Ўзбекистонга келтирилди.

Ушбу нусхалар орасида Ҳаким ат-Термизий номи билан оламга донғи кетган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ат-Термизийнинг "Таҳсил назоир ал-Қуръон" ("Қуръон нусхаларини йиғиш"), "Китоб ар-рад ала ал-муъаттала" ("Камчиликларга раддия китоби"), "ал-Масоил ал-макнуна" ("Яширин масалалар"), "ал-Мараё" ("Мунозаралар"), "Наводир ал-усул фи маърифат ахбор ар-расул" ("Пайғамбар алайҳиссалом ҳақидаги хабарларни билишнинг нодир усуллари") номли бешта асарининг қўлёзмаси ўрин олган.

Ҳаким Термизийнинг зикр этилган асарларидан фақатгина "Наводир ал-усул фи маърифат ахбор ар-расул"нинг 509 варақдан иборат қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ҳам мавжуд ва у 10842-рақами остида сақланмоқда.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси тақдим этган қўлёзмаларнинг электрон нусхалари орасида Ҳадис илми ривожланишига улкан ҳисса қўшган, ислом оламида тан олинган олти "Жомиъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам")дан бирининг муаллифи, машҳур аллома Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заххок Сулламий ад-Дарир ал-Буғий ат-Термизий қаламига мансуб уч асар ҳам бор.

Булардан иккитаси ислом оламида кенг тарқалган ҳамда юксак илмий аҳамият касб этувчи "Шамоил ан-Набавиййа" ("Пайғамбар алайҳиссаломнинг алоҳида фазилатлари") асари ва унинг бошқа ном билан битилган – "Шамоил шарифа" ("Шарофатли алоҳида фазилатлар") қўлёзмаларидир. Гарчи "Шамоил ан-Набавиййа"нинг турли (58 дан 170 варақкача) ҳажмдаги йигирмадан ортиқ нусхалари Шарқшунослик институтида мавжуд бўлса-да, 32 варақдан иборат ушбу нусха мазкур асарни илмий тадқиқ қилиш асносида бошқа нусхалар билан қиёсий ўрганишда алоҳида илмий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Қўлёзмалар сирасида, шунингдек, Исо ат-Термизийнинг "ал-Жомиъ ал-кабир" ("Катта тўплам") асари ҳам бор. Мазкур асар, қўлёзмадаги маълумотга кўра, ғоят мураккаб ҳисобланган мағриб хати услубида 552 ҳижрий/1157 милодий йилида ёзилган бўлиб, тақдим этилган электрон вариант мазкур асарнинг 1138 ҳижрий/1726 милодий йилида кўчирилган нусхасидан олинган. Ушбу асарда исломнинг намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш, никоҳ ўқиш каби асослари билан бирга бошқа аҳкомлари ва динимизга оид қатор маълумотлар баён этилган.

Тақдим этилган қўлёзмалар орасида термизлик яна бир олим, йирик мутасаввиф Умар ат-Термизий қаламига мансуб "Китоб фи тафсир суратил-ихлос" ("Ихлос" сурасининг шарҳи китоби") ҳам мавжуд. 114 варақдан иборат ушбу қўлёзма "Дор ал-кутуб ва ал-васоиқ"да тасаввуф илмига оид нодир ва қимматбаҳо асарлар бўлимида, 1006-рақам остида сақланади.

Тақдим этилган қўлёзмаларнинг электрон нусхалари қаторида, шунингдек, "Дор ал-кутуб ва ал-васоиқ"да ҳадис илми бўлимида сақланаётган ·151 варақ ҳажмдаги "Китоб ал-аъзо ва ан-нафс ва тафсир оёт азима" ("Нафс, аъзолар ва муҳим оятларнинг шарҳи китоби") ва 310 варақ ҳажмдаги "Китоб ал-фуруқ" ("Тасаввуф атамаларининг фарқлари") асарларининг нусхалари ҳам бор.

Мазкур ўн бир асарнинг электрон вариантидаги нусхалардан фойдаланиш ва уларни илмий тадқиқ этиш республикамизда ислом дини ва илмини ўрганаётган ҳамда унинг маърифий аҳамиятини кенг тарғиб этиш борасида изланишлар олиб бораётган олимларга катта ёрдам бўлишига ишончимиз комил. Бу асарларни ўрганиш, шунингдек, диёримиз фуқароларига исломда олға сурилган ва ҳар томонлама илмий асосланган бағрикенглик ҳамда бошқа ижобий тамойиллар ва ғояларни етказишда алоҳида аҳамият касб этади.

Келажакда ҳам хорижий давлатлардаги кутубхоналарда мавжуд улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва инсоният цивилизациясига ғоят катта улуш қўшган ноёб дурдоналардан нусхалар олиниши, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ислом дини ҳамда илми тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси тобора чуқурроқ англанишига, шу билан бир қаторда, Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бежиз эмаслигини яна бир бор тасдиқлашга хизмат қилади.

**Р. БАҲОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори.**

---

# ЭРТАКЛАРДАГИДЕК ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

фотосуратларини томоша қилиб, менда ҳам бу афсонавий шаҳарни кўриш истаги туғилди. Мана, орзуйим ушалди. Самарқанднинг дунёга машҳур осори-атиқаларини ўз кўзим билан кўрдим. Самарқанд бозорларидаги тўкин-сочинлик, ноз-неъматларнинг сероблигидан ҳайратга тушдим. Айниқса, Самарқанд нонининг тамини бир умр унутолмасам керак. Энг муҳими бугунги кунда жуда кўп жойларда тансиқ бўлиб қолган меҳр-оқибат, ҳурмат, ҳаё каби инсоний фазилатларни шу ерда кўрдим.

**Шанг ДЗИСИАНГУ,**
**Хитой:**

— Мамлакатингизга биринчи бор келишим. Самарқанд, Термиз, Бухоро шаҳарларида бўлдим. Мана, энди Хивани томоша қиляпман. Кўрганларим эртаклардагидай гўзал ва бетакрор. «Хива-Азия» меҳмонхонасига жойлашдим. Бу ерда юқори даражада сервис хизмати кўрсатилмоқда. Одамларингиз меҳмондўст, очиққўнгил. Миллий таомларингиз жуда мазали. Мен Ўзбекистонга яна келаман. Фарзандларимга, дўсту биродарларимга таассуротларимни айтсам, улар ҳам жаннатмонанд юртингизга ошиқиши тайин.

**ЎзА мухбирлари**
**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ**
**суҳбатлашди.**

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидагилар бўйича очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади:**

### «NEFTGAZTADQIQOT» ОАЖнинг 25 фоиз акция пакети

«NEFTGAZTADQIQOT» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 (йигирма беш) фоизини ташкил этувчи 2 747 (икки минг етти юз қирқ етти) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — **110 000** (бир юз ўн минг) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари **940 000** (тўққиз юз қирқ минг) АҚШ долларини ташкил этади.

«NEFTGAZTADQIQOT» ОАЖ Бухоро шаҳрида жойлашган бўлиб, 1974 йил ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури тезкор-тадқиқот қилиш ишлари газни, нефтни, нефть конденсатини ва элементар олтингугуртни олиш, тайёрлаш ва транспортировка қилиш учун технологияларни такомиллаштиришга йўналтирилган.

### «GAZENERGOSERVIS» ОАЖнинг 48 фоиз акция пакети

«GAZENERGOSERVIS» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 48 (қирқ саккиз) фоизини ташкил этувчи 19 850 (ўн тўққиз минг саккиз юз эллик) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — **260 000** (икки юз олтмиш минг) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари **500 000** (беш юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.

«GAZENERGOSERVIS» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1971 йил ишга туширилган. Нефть ва газ соҳасининг газни қайта ишлаш корхоналарида, технологик асбоб-ускуналарни қайта таъмирлаш, ўрнатиш ва созлаш ишларини амалга ошириш жамиятнинг асосий фаолият тури ҳисобланади.

Мазкур жамиятларнинг акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатилган акциялар пакети бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг қиймати — 100 (бир юз) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим:

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,

«Ипак йўли» АИКБ, ИНН 201122696, банк коди 00444,
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 5 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2007 йил 5 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Хан Виктория Эликсовна эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-80.
Факс: +998 (71) 139-20-72.
Эл. почта: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO FOREIGN INVESTORS

**hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-672 as of July 20, 2007**

### The Open Tender for privatization sale of 25% shares of JSC «NEFTGAZTADQIQOT»

2 747 (two thousand seven hundred forty seven) ordinary registered shares of JSC «NEFTGAZTADQIQOT» constituting the aggregate of 25% of the enterprise's total issued shares are offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is USD **110 000** (one hundred ten thousand). The investment requirements of the enterprise constitute USD **940 000** (nine hundred forty thousand).

At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for 25% share package of JSC «NEFTGAZTADQIQOT» and undertake the highest sum of investment obligations in the framework of enterprise's investment requirements.

JSC «NEFTGAZTADQIQOT» is located in Bukhara city and was established in 1974. The main activities of the enterprise are the conducting day-to-day research work, aimed improve the technology of mining, operation and transportation of gas, oil, oil condensate and elementary sulfur.

### The Open Tender for privatization sale of 48% shares of JSC «GAZENERGOSERVIS»

19 850 (nineteen thousand eight hundred fifty) ordinary registered shares of JSC «GAZENERGOSERVIS» constituting the aggregate of 48% of the enterprise's total issued shares are offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is USD **260 000** (two hundred sixty thousand). The investment requirements of the enterprise constitute USD **500 000** (five hundred thousand).

At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for 48% share package of JSC «GAZENERGOSERVIS» and undertake the highest sum of investment obligations in the framework of enterprise's investment requirements.

JSC «GAZENERGOSERVIS» is located in Tashkent city and was established in 1971. The main activity of the enterprise is fullfillment of the work concerning of assembling, reconstruction, setting up and repair of technological equipments in oil processing plants of oil and gas sphere.

Investors interested in participating in the Tender must submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact address shown below.

The package of Bidding Documentation, which includes Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon presenting to the State Property Committee fullfilled in and signed Application and Confidentiality Statement along with a copy of the proof of payment.

The price of the package of Bidding Documentation constitutes USD 100 (one hundred), which need to be transferred to either of the accounts stated below:

USD Account: 20203840500600289001
UZS Account: 20203000600600289001
in the JICB «Ipak Yoli»
TIN 201122696, bank code 00444
S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. (Tashkent time) on 5 of October 2007.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. (Tashkent time) on 5 of October 2007.**

Tender participants or their authorized representatives, who have submitted Tender Bids in accordance with the established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:
State Property Committee
55, Uzbekistanskaya str., 100003 Tashkent, Uzbekistan
Attention: Khan Victoria
Telephone: +998 (71) 139-22-80
Fax: +998 (71) 139-20-72
Email: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ**

### «HAK-SEL» МЧЖ ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ 99 ФОИЗ УЛУШИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР (Tashkent Palace Hotel) ўтказилишини эълон қилади.

«HAK-SEL» МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасининг 99 фоизни ташкил этувчи улуши сотувга қўйилади. Улушнинг бошланғич баҳоси — 30 616 000 (ўттиз миллион олти юз ўн олти минг) АҚШ доллари ҳамда инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар — 17 411 000 (ўн етти миллион тўрт юз ўн бир минг) АҚШ долларини ташкил этади. «HAK-SEL» МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасининг 99 фоиз улушига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«Тошкент» меҳмонхонаси 1958 йилда қурилган. Меҳмонхона пойтахтнинг марказида жойлашган бўлиб, қаршисида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, ўнг томонида пойтахтнинг Марказий универмаги, чап томонида эса Ўзбекистон Тарих музейи жойлашган. 2002-2003 йилларда меҳмонхона қайта таъмирланиб, 2003 йилнинг май ойида ишга туширилган. «Tashkent Palace Hotel» 4 юлдузли меҳмонхона ҳисобланади. Меҳмонхона 6-қават ва ертўла мажмуидан иборат бўлиб, ертўла мажмуида корхонанинг маъмурий офиси жойлашган. Меҳмонхонанинг 1-5-қаватларида жойлашган, жами 232 та хона бўлиб, шу жумладан 1 ўринли — 149 та, 2 ўринли — 39 та, яхшиланган (superior) — 29 та, яримлюкс — 13 та, люкс — 2 та хоналар мавжуд. Бундан ташқари, меҳмонхонада 3 та ресторан бўлиб, улардан бири меҳмонхонанинг 6-қаватида жойлашган (1 та ёзги, 2 та қишки), 2 та бар, соғломлаштириш клуби (тренажёр зали, очиқ бассейн, сауна, массажхона), 10-40 кишилик конференция ва учрашувлар ўтказиш учун 3 та хона, бизнес-марказ, гўзаллик салони ва валюта айирбошлаш шохобчаси мавжуд.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун қуйида келтирилган ҳисоб рақамига 2 000 (икки минг) АҚШ доллари ўтказилиши лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,

АИКБ «Ипак йўли»,
ИНН 201122696, банк коди 00444,
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 5 октябрда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2007 йил 5 октябрда Тошкент вақти билан соат 15.00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

*Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:*
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор
Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces**

### the Open Tender for Privatization Sale of the 99% Share of UZBEK – TURKISH Joint venture Limited Liability Company "HAK SEL" (Tashkent Palace Hotel)

99% share of JV LLC «HAK-SEL» being offered for sale. Starting bidding price for the said shares is 30 616 000 (thirty million six hundred sixty nine thousand) US Dollars. The volume of investment obligation is 17 411 000 (seventeen million four hundred eleven thousand) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 99% of shares of the Company and to take upon the highest value of investment obligations.

"Tashkent" hotel was build on 1958 and situated at center of the capital, on the opposite of hotel situated opera and ballet theatre named after Alisher Navoi, from the right side situated Central department store of city and from the left side the History museum of Uzbekistan. On 2002-2003 Hotel was reconstructed and on May of 2003 put into operation. «Tashkent Palace Hotel» awarded 4-stars category. Building consists of 6 floors and basement where situated managerial office. 1-5 floors of hotel consists of 232 rooms including deluxe king room – 149, deluxe twin room – 39, superior king room – 29, junior suit – 8, executive room - 5, executive suit -2 and there are three restaurants, one of them located on the 6th floor (1 - winter, 2 - flight), 2 bars, healthy club (training room, open swimming pool, massage room), 3 rooms for carrying out conference and business meeting, business center, exchange office.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copyof the document confirming the payment effected.

USD Account № 20203840500600289001
UZS Account № 20203000600600289001
In the JICB «Ipak Yoli»
TIN 201122696, bank code 00444
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on October 5, 2007.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on October 5, 2007.**

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

The Work Body of the State Property Committee:
CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 7th Floor
Uzbekistan Ave., 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan
Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General
Telephone: +998 (71) 139-22-51
Fax: +998 (71) 139-22-79
Email: ccpbuz@tps.uz

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ**

### «АЛГОРИТМ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 45,45% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.

«АЛГОРИТМ» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 45,45 фоизини ташкил этувчи 179 568 (бир юз етмиш тўққиз минг беш юз олтмиш саккиз) дона оддий акциялари сотувга қўйилади.

Тендер шартлари:

- бошланғич баҳоси — 6 483 000 (олти миллион тўрт юз саксон уч минг) АҚШ доллари;
- инвестицион мажбуриятлар — 30 000 000 (ўттиз миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳолда (3-5 йил ичида) корхонада маиший электротехник ва экспортга мослаштирилган «бренд» маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида йўналтириш.

«АЛГОРИТМ» ОАЖнинг 45,45% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«АЛГОРИТМ» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган. Корхона 1982 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури электротехник маҳсулотлар ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришдир.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатилган акциялар пакети бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг қиймати 2 000 (икки минг) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим:

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,

«Ипак йўли» АИКБ, ИНН 201122696, банк коди 00444,
S.W.I.F.T. коди: INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 5 октябрда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2007 йил 5 октябрда Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Ходжаев Равшан Махамадалиевич эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-64.
Факс: +998 (71) 139-20-72.
Эл. почта: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces**

### the Open Tender for Privatization Sale of the 45,45% Share Package of Joint Stock Company "ALGORITM"

179 568 (one hundred seventy nine thousand five hundred sixty eight) shares of common stock of JSC "ALGORITM" constituting the aggregate of 45,45% of the Company's total issued shares are being offered for sale under the following conditions:

1. Starting bidding price - 6 483 000 (six million four hundred eighty three thousand) US dollars;
2. Investment obligation – not less than 30 000 000 (thirty million) US dollars (during 3-5 years) to be directed for organization of the production of branded export-oriented electro-technical products in the enterprise.

At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 45,45% of shares of the JSC "ALGORITM" and undertake the highest value of investment obligations.

JSC "ALGORITM" is situated in Tashkent city. The factory was put intooperation in 1982. The main type of activity of the enterprise is production of electro-technical products and consumer goods.

Investors interested to participate in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The price of Tender Documentation package is 2 000 (two thousand) US dollars, which should be paid to either of the following accounts:

Dollar account № 20203840500600289001
Soum account № 20203000600600289001
In operational branch of JSICB "Ipak Yuli",
INN 201122696, bank code 00444
SWIFT code: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on October 5, 2007.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on October 5, 2007.**

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

Uzbekistanskaya str. 55,
Uzbekistan, Tashkent, 700003
Attention: Mr. Ravshan M. Khodjaev
Telephone: +998 (71) 139-22-64
Fax: +998 (71) 139-20-72
Email: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидагилар бўйича очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади:**

**«QASHQADARYO TEHNOLOGIC TRANSPORTI» ОАЖнинг 25 фоиз акция пакети**

«Qashqadaryo tehnologic transporti» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 (йигирма беш) фоизини ташкил этувчи 135 155 (бир юз ўттиз беш минг бир юз эллик беш) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 3 545 000 (уч миллион беш юз қирқ беш минг) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари 2 000 000 (икки миллион) АҚШ долларини ташкил этади.

«Qashqadaryo tehnologic transporti» ОАЖ Қарши шаҳрида жойлашган. Унинг таркибига Миришкор, Муборак, Ғузор ва Косон туманларидаги олтита автосарой киради. Жамиятнинг асосий фаолият тури — автотранспорт ва механизаторлик хизматларини кўрсатиш.

Мазкур жамиятнинг акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатилган акциялар пакети бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг қиймати 2 000 (икки минг) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим:

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,
«Ипак йўли» АИКБ, ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 5 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2007 йил 5 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Хан Виктория Эликсовна эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-80.
Факс: +998 (71) 139-20-72.
Эл. почта: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru,

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO FOREIGN INVESTORS

**Hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-672 as of July 20, 2007**

**The Open Tender for privatization sale of 25% shares of JSC «KASHKADARYO TEHNOLOGIC TRANSPORTI»**

135 155 (one hundred thirty five thousand one hundred fifty five) ordinary registered shares of JSC «Kashkadaryo tehnologic transporti» constituting the aggregate of 25% of the enterprise's total issued shares are offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is USD 3 545 000 (three million five hundred fortyfive thousand). The investment requirements of the enterprise constitute USD 2 000 000 (two million).

At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for 25% share package of JSC «Kashkadaryo tehnologic transporti» and undertake the highest sum of investment obligations in the framework of enterprise's investment requirements.

JSC «Kashkadaryo tehnologic transporti» is located in Karshi city, 6 branches located in Mirishkor, Mubarek, Guzor, Kasan regions. The main activity of the enterprise is transportation of freights, as well as repairing autovehicles and machine-services.

Investors interested in participating in the Tender must submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact address shown below.

The package of Bidding Documentation, which includes Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon presenting to the State PropertyCommittee the fullfilled in and signed Application and Confidentiality Statement along with a copy of the proof of payment.

The price of the package of Bidding Documentation constitutes USD 2 000 (two thousand), which need to be transferred to either of the accounts stated below:

USD Account: 20203840500600289001
UZS Account: 20203000600600289001
in the JICB "Ipak Yoli"
TIN 201122696, bank code 00444
S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. (Tashkent time) on 5 of October 2007.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. (Tashkent time) on 12 of October 2007.**

Tender participants or their authorized representatives, who have submitted Tender Bids in accordance with the established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

State Property Committee
55, Uzbekistanskaya str., 100003 Tashkent, Uzbekistan
Attention: Khan Victoria
Telephone: +998 (71) 139-22-80
Fax: +998 (71) 139-20-72
Email: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru


РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»



ёш оилаларга ўзининг қуйидаги хизматларини таклиф қилади:

- ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ;
- ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ;
- ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МИКРОКРЕДИТЛАР.

«Ғаллабанк»нинг филиаллари томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида кредит олишлари учун барча имкониятлар яратилганлиги маълум қилинади.
«Ғаллабанк»нинг бош банкида ташкил этилган қуйидаги «Ишонч телефонлари»га мурожаат этишингиз мумкин:
(+99871) 136-14-22, 136-15-01,136-11-05.

БАНКНИНГ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» РАҚАМЛАРИ:

| | | |
|---|---|---|
| Андижон филиали | 222-23-64 | 222-23-71 |
| Бухоро филиали | 223-58-86 | 223-60-80 |
| Жиззах филиали | 226-22-98 | 226-28-63 |
| Қашқадарё филиали | 223-12-99 | 223-18-85 |
| Қорақалпоғистон филиали | 223-72-19 | 223-73-47 |
| Наманган филиали | 226-77-90 | 226-74-17 |
| Навоий филиали | 224-98-01 | 224-92-41 |
| Самарқанд филиали | 222-97-72 | 221-03-18 |
| Сурхондарё филиали | 227-51-67 | 227-56-70 |
| Сирдарё филиали | 225-23-75 | 225-14-32 |
| Фарғона филиали | 222-56-64 | 222-82-01 |
| Хоразм филиали | 227-27-90 | 227-48-07 |
| Тошкент вилояти филиали | 133-41-34 | 136-15-67 |
| Тошкент шаҳри филиали | 136-70-60 | 133-42-95 |

www.gallabank.com ёки info@gallabank.com


ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ИЖОДКОРЛАР УЮШМАСИ



Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ шоири **ЗУЛФИЯ (ЗУЛФИЯ ИСРОИЛОВА)** НИНГ Тошкент шаҳрида ўрнатиладиган ҳайкали лойиҳасини яратиш бўйича танлов эълон қилади.

**Яратилажак асар шоирнинг руҳий, маънавий бойлиги ва гўзаллиги ифодасини акс эттирмоғи лозим. Танлов учун яратиладиган асарлар мавзулари:**

**Ҳайкалтарошлик: 1. Шоир портрети. 2. Эркин мавзу.**

**Танлов шартлари:**

1. Танловда профессионал ҳайкалтарошлар иштирок этадилар.
2. Асарлар ўлчамлари ва ашёси муаллиф ихтиёрига ҳавола қилинади.
3. Юқорида номлари келтирилган мавзулар асосида яратилган асарлар 2007 йил 30 июлдан — 30 августгача Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳайъати томонидан қабул қилиб олинади.
4. Танловда ғолиб деб топилган ҳайкал лойиҳалари амалга ошириш учун тавсия этилади.


LOK Kolor SINTEZ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ

ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР (девор ва шифтлар учун бўёқ)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёқ)
Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ
Пол учун ЭМАЛЬ
Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
Сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Металл конструкциялар, локомотивлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун ЮҚОРИ АТМОСФЕРА ТАЪСИРЛАРИГА ЧИДАМЛИ АЛКИДУРЕТАНЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Йўл чизгилари учун БЎЁҚ
Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛАКЛАР
ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка)
Шунингдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лак-бўёқ саноати учун яримфабрикат лак)

Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz



Аҳоли ва харидорлар диққатига!



Аҳолининг мева-сабзавот, полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида

«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ»
ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БИНОСИДА

25 — 30 август кунлари

республика фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг

САВДО ЯРМАРКАСИ

ўтказилади.

Ушбу ярмаркада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, хўл мева, картошка, пиёз, тухум, гуруч, полиз ва гўшт маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин.



Ярмарканинг иш тартиби соат 9.00 дан 19.00 гача.
Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй.

Ярмаркага марҳамат!

«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ.



УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ


UAZ Hunter

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.


Юк ташувчи УАЗ-3303.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР
ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР


UAZ Patriot Comfort


Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

*Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!*

UAZ Patriot Classic
UAZ Patriot Limited


Қўшимча кабинали УАЗ 39094.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

# БУЮК АЛЛОМАЛАР ШАҲРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

XIII асрда яшаган бошқа математик олим Шамсуддин Самарқандий эса ўзининг "Ашкол ат-таъсис фи-л-ҳандаса" ("Ҳандаса илмида шакллар асоси") номли асарида Эвклиднинг (мил.ав. IV-III асрлар) геометрияга оид асаридан 35 та шаклни келтирган. Бу асарнинг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Унга Қозизода Румий "Шарҳ ашкол ат-таъсис фи-л-ҳандаса" ("Ҳандаса илмида шакллар асосига шарҳ") номли шарҳ ёзган. Бу китоб 1851 ва 1857 йилларда Истамбулда икки марта нашр қилинган. Шарҳнинг ҳар иккала нашри ҳам Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Шамсуддин Самарқандий, шунингдек, мантиққа оид ҳам қатор рисолалар муаллифидир.

Ўша даврдаги забардаст олимлардан яна бири машҳур табиб Нажибуддин Самарқандий бўлиб, у Ҳиротда ҳам яшаган. 1222 йили Чингизхон истилочилари Ҳиротни забт этишганида ҳалок бўлган. Нажибуддин Самарқандий табобат илмига доир 8 та асарнинг муаллифидир. Жумладан, "Ағзият ал-марзо" ("Беморлар истеъмол қиладиган овқатлар") номли китобида ҳар бир касаллик учун қандай таом истеъмол қилиниши ва қандайларидан эҳтиёт бўлиш лозимлигини ёзади. У овқатларнинг шифобахш хусусияти ҳақида ҳам гапиради. Шунингдек, Нажибуддин "Касалларнинг сабаблари ва уларнинг аломатлари ҳақида китоб", "Даволаш системаларини аниқлаш қоидаси", "Бўғинлар оғриғини даволаш ҳақида асар" номли китобларни ёзган. У фармакологияга оид "Китоб ал-Қарободин ал-кабир"("Мураккаб дорилар ҳақида катта китоб") ва "Китоб ал-Қарободин ас-сағир"("Мураккаб дорилар ҳақида кичик китоб")ларнинг ҳам муаллифидир.

XIII асрда яшаган математик ва файласуф Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф ас-Самарқандий геометрияга оид "Ашкаду таъсис" ("Асосий таклифлар") асарини ёзган эди. Бу асар жуда машҳур бўлиб кетди ва кўп қўлёзмаларда сақланган. Китобларни чоп этиш йўлга қўйилгандан кейин у Туркияда икки маротаба нашр этилди.

XIV асрда яшаган астроном олимлардан Ато Самарқандий ўз ватанидан йироқда, Ҳиндистоннинг Шарқий чегарасида илмий тадқиқотчилик билан шуғулланди. Унинг 1362 йили тузган астрономик жадваллари бизгача етиб келган. Париж миллий кутубхонасида бу жадвалларнинг асл нусхаси сақланмоқда

Шу асрда яшаган бошқа астроном олим Абдул Фатҳ Саид ас-Самарқандий Қуёш соатларига оид рисола ёзган эди.

XIV ва XV асрларда Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахтига айланганда илму фан тез ривожланди. Юртбошимиз айтганидек, "Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият беқиёс ривож топди. Халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди". Соҳибқироннинг ташаббуси билан фаннинг турли соҳалари вакиллари, тарихчилар, мунажжимлар бу шаҳарга тўпландилар ва кунт билан ижод қилдилар. Улардан бири машҳур қомусий олим Масъуд ибн Умар Саъдуддин ал-Тафтазоний бўлиб, у мантиқ, ҳуқуқ, математика ва бошқа фанлар бўйича кўп ажойиб асарлар ёзди.

Самарқанд салтанатида Мирзо Улуғбек улуғ бобоси Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятини ривожлантирди, илм-фан тараққиётига камар боғлади. Бу мақсад учун у Самарқанд ва Бухорода янги мадрасалар қурди. Унинг ҳомийлигида замонасининг фозил олим ва шоирлари бошпана топди. Фан соҳасида Улуғбекнинг ҳамроҳи ва ҳамкасби бўлган қатор олимлар математика ва астрономиянинг жуда мураккаб масалалари устида баракали тадқиқотлар олиб бордилар.

Бу жиҳатдан, аввало, Улуғбекнинг устози Қозизода Румийнинг хизмати юксакдир.

> ***XIV ва XV асрларда Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахтига айланганда илму фан айниқса тез ривожланди. Юртбошимиз айтганидек, "Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият беқиёс ривож топди. Халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди".***

Қозизода Румий 1385 йилда Румдан Самарқандга келган эди. У Улуғбекда риёзиёт ва нужум фанларига кучли қизиқиш уйғота олди. Унинг раҳбарлигида Мирзо Улуғбек дунёга машҳур Самарқанд илмий-тадқиқот мактабини ташкил этди ва ўз атрофига турли мамлакатлардан машҳур олимларни тўплади. Масалан, Қозизода Румий таклифи билан Ғиёсиддин Жамшид Коший Самарқандга даъват этилди. У 1417 йили Самарқандга келди ва тезда Самарқанд устида порлаган фан юлдузларидан бирига айланди. У математикага оид "Мифтоҳ ал-ҳуссоб фил-ҳисоб" асарини ёзиб, унда математикадан ташқари меъморчилик назарияси масалаларини ёритган.



Улуғ олимлар иштироки билан 1417-1420 йилларда Улуғбек мадрасаси бунёд этилди ва кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу мадрасанинг биринчи мударрислари Муҳаммад Хавофий, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший бўлиб, улар кўпгина қобилиятли шогирдларни вояга етказдилар. Уларнинг қаторида Али Қушчи, Мариам Чалабий, Ҳусайн Биржоний ва бошқалар бор эди. Кейинчалик улар улуғ олим, мутафаккир бўлиб етишдилар.

Самарқандда вужудга келган илмий мактаб салафлари тадқиқотларни янада чуқурлаштириш учун расадхона зарурлигини тушуниб етдилар ва Улуғбек раҳбарлиги остида уни қурдилар. Мана шу расадхонада оламга машҳур астрономик жадвал "Зижи жадиди Кўрагоний" яратилди.

Улуғбек вафотидан кейин илмий мактабнинг иши тўхтаб қолгани йўқ. Унга Али Қушчи раҳбарлик қилиб, кўп муҳим ишларни бажарди. Айниқса Али Қушчининг нафақат Шарқ мамлакатларида, балки Ғарбий Европада ҳам Улуғбек мактабида яратилган асарларни тарғиб қилишда хизмати беқиёсдир. "Зижи жадиди Кўрагоний" 1665 йили Оксфорд (Англия)да биринчи марта ва 15 йил давомида уч марта нашр этилди. Сўнгра, 1853 йили Парижда, 1917 йили Америкада босилиб чиқди.

Улуғ шоир ва олим Абдураҳмон Жомий ҳам табиий фанлар соҳасидаги ажойиб илмий асарларини Самарқанд илмий мактаби негизида ёзган. У 22 ёшида астрономия ва геометрияга оид рисола ёзиб, Улуғбек академиясига юборади. Натижада уни академияга ўқишга таклиф қиладилар. Самарқандга у 1436 йилда келиб, 9 йил давомида таҳсил кўради, сўнгра яна 7 йил бу шаҳарда яшаб, илмий изланишлар билан шуғулланади. Жомий ўз зеҳнининг ўткирлиги, илмга чанқоқлиги билан ҳамманинг эътиборини қозонган эди. У шу даражада истеъдодли эдики, Қозизода Румийнинг маърузалари туркумини эшитиб, илмий баҳсда ундан ғолиб келади.

Темурийлардан кейин ҳукмронлик қилган сулолалар даврида Самарқандда илму фан олдингидек юқори даражада бўлмаса-да, айрим қобилиятли олимлару табиблар фаолият олиб бордилар. Масалан, XVI-XVII асрларда Султон Саидхон саройида табиб вазифасини бажарган Боқий Жарроҳ Самарқандийни, шунингдек шу даврда яшаб фаолият олиб борган Давоий Самарқандийни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўша даврларда Мир Маҳмуд Даҳбедий-Самарқандий "Рисола дар вифқ"("Мувофиқлик ҳақида рисола") номли асарини ёзган эди. XVII асрда яшаган бошқа математик олим Муҳаммад ибн Бобо Самарқандий "Рисолаи ҳисоб", "Риёзиёт", "Фавоиди Самарқандий"("Илмий изланишларим натижалари") номли асарларнинг муаллифидир. Муҳаммад ибн Маҳмуд Шариф Самарқандий эса "Фавоид ал-курра" ("Ҳажм ўлчовлари фойдаси ҳақида") номли асарини ёзди ва у катта амалий аҳамиятга эга эди.

Самарқанднинг улуғ олимларидан бири, XVII асрда яшаган ва оламга машҳур Шердор мадрасасининг лойиҳасини чизиб, унинг қурилишига раҳбарлик қилган меъмор Мулло Абдужаббордир. Мадраса пештоқи ичидаги равоқ тепасига "Устод мулла Абдужаббор меъмор" деган ёзув оқ кошинлар билан терилган. Айрим олимлар фикрича, меъмор Абдужаббор бошчилигидаги усталар гуруҳи Нодир Девонбеги мадрасасини қуришда ҳам қатнашганлар. Бежиз эмаски, Абу Тоҳирхожа ўзининг машҳур "Самария" асарида бу мадрасани "Мадрасаи Шердори берун", яъни "Ташқи Шердор мадраса" номи билан машҳур, деб таърифлайди. Бу мадраса пештоқида ҳам шер ва кийик сурати кошин билан нақшинкор безатилган.

*Юқорида баён этилганлар кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг барча замонларда илм-фан маркази эканлигини кўрсатади ва, шубҳасиз, истиқлол неъматидан баҳраманд бўлиб ўсаётган бугунги авлод улуғ аждодлар йўлидан дадил боради.*

**Нўъмон МАҲМУДОВ,**
**Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси директори.**

# НУР ВА СОЯ

***Менинг икки қўшним бор. Бир-бирларига сира ўхшашмайди. Ўнг томондагиси Раҳмонжон истарали, ҳаракатчан йигит. Сўл тараф қўшним Шайдулла бошқачароқ. Келинг, ҳаётга уларнинг кўзлари орқали қарайлик.***

▼ Ҳолат

## Эрта тонгда

**Шайдулла:** — Оббо, эрталабдан ёндирадиганга ўхшайди. Ўзи ёз бошланиши билан салқин жойларга кетвориш керак. Жазирамага ҳечам тобим йўқ-да.

**Раҳмонжон:** — Ёз ёзлигини қилгани маъқул. Ахир юртимиздаги ноз-неъматлар таъми Қуёш нуридан-да. Офтобнинг борига шукур.

## Стадионда

**Шайдулла:** — Стадион кўпайиб, бекорчиларнинг куни туғди-да. Шундай майдонларда картошка-пиёз ўстирилса, жарақ-жарақ пул бўларди.

**Раҳмонжон:** — Фарзандларимиз спортга бундан-да ошно бўлишсин, соғлом, баркамол бўлиб ўссинлар. Шундай майдонларда миллат номини дунёга танитадиганлар етишиб чиқади.

## Кўчада

**Шайдулла:** — Бу машиналардан ҳеч тинчлик йўқ. Улардан чиқаётган газни, тутунни айтмайсизми? Шовқини асабни ўйнатади.

**Раҳмонжон:** — Шунча машиналарнинг ярмидан кўпи ўзимизда ишлаб чиқарилган. Ҳамма давлатларда ҳам, қани энди, фуқаролар шундай ғурурни ҳис этсалар. Кўчаларни тўлдирган машиналар салоҳиятимиз тобора очилиб бораётганидан нишона-ку?!

## Маҳалла гузарида

**Шайдулла:** — Ишдан кейин одамларнинг бу ерга тўплангани қизиқ. Ғийбатлашишса керак-да. Яна ҳар замонда мажлис қилганларига ўлайми? Ҳе, ўргилдим гузарингдан...

**Раҳмонжон:** — Одам тафтини одам олади. Нима тадбир қилсак, маслаҳатлашиб оламиз. Шу маҳалладан қўймасин.

## Бозорда

**Шайдулла:** — Одамнинг гавжумлигини қаранг. Ҳамма бозорга чиққанми, бугун? Нарх-наво ҳам чақаман, дейди.

**Раҳмонжон:** — Бозорларимизга файз-барака тўлибди. Қаранг, ноз-неъматнинг мўллигидан кўзингиз қамашади! Шунча нарсанинг харидори чиқаяптими, демак, халқимиз ёмон яшамаяпти.

## Кечқурун

**Шайдулла:** — Уфф, яна бир кун ўтди. Қандай кун бўлди, ўзи бу? Ҳеч бир маънисини сезмадим-а? Тавба?

**Раҳмонжон:** — Худога шукр, тинч-осойишта ҳаётимизнинг яна бир куни якунланди. Ҳар бир хонадонда чироқлар чарақлаб турибди. Эртанги кунимиз бундан ҳам хайрли бўлсин, илоҳим.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ ёзиб олди.**

▼ Янги китоблар



# РОБИЯ СУЛТОНБЕГИМ ҚИССАСИ

Таниқли адабиётшунос олим ва ёзувчи Пирмат Шермуҳамедов кўпгина илмий ва бадиий асарлар муаллифидир. Сўнгги йилларда олим-адиб миллий тарихимизнинг ҳозирги ўқувчилар учун анча сирли, муаммоли бўлиб турган нуқталарига алоҳида диққат-эътибор кўрсатиб, қизиқарли, маърифий-бадиий аҳамиятли қиссалар яратмоқда. Муаллифнинг соҳибқирон Амир Темурнинг келини Хонзода бегим тўғрисидаги ўтган йили чоп этилган бадиаси ўқувчилар орасида тез тарқалди.

Яқинда «Фан» нашриёти унинг «Мирзо Улуғбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси» деган янги асарини чоп этди. Робия Султонбегим тўғрисида умумий маълумотларга эгамиз, холос. Пирмат Шермуҳамедов бу борада собитқадам изланишлар олиб борган, янги маълумотларни аниқлаган. Робия Султонбегимнинг бешафқат даврларда бошидан кечган кўргиликлари асарда батафсил ҳикоя қилинган. Ушбу бадиа-қисса, шубҳасиз, ҳозирги авлоднинг дунёқараши ва қалбига зарур тарихий озуқаларни беради.

**М. САФАРОВ.**

*«Ҳар қандай халқнинг ҳаёти, тақдири ва тараққиётида шу эл-юртнинг салоҳиятли фарзандлари беқиёс ўрин тутади. Буни тарих кўп бор исботлаган. Ўтган йиллар давомида Ватанимиз — Ўзбекистон ҳаётининг мумтоз саҳифалари, тараққиёти, бир сўз билан айтганда, янги тарихи яратилди...»*

# ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ



Таниқли журналист Ҳусан Эрматов ўзининг «Миллат байроғи» китобидан ўрин олган дастлабки мақоласини шу жумлалар билан бошлаган ва бошқа мақолаларда ҳам шу руҳ ҳукмронлик қилади.

Китобда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар, бу ютуқларни қўлга киритишда мамлакатимиз раҳбарининг роли, фидойилиги ҳақида ҳикоя қилинади. Буни муаллиф ўз тилидан эмас, балки жаҳоннинг таниқли публицистлари, сиёсатчиларининг фикрларидан, Юртбошимизнинг маърузаларидан иқтибос келтириш билан исботлайди. Масалан, муаллиф машҳур сиёсатшунос Леонид Левитиннинг қуйидаги фикрини келтириб ўтади: «АҚШда Рузвельт, Англияда Черчилл, Францияда де Голл оғир тарихий шароитда қандай ҳал қилувчи аҳамият касб этган бўлса, Ислом Каримов ҳам истибдоддан кейин халос бўлган Ўзбекистон тарихида шундай буюк шахс бўлиб қолади».

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб нашр этилган ушбу китобдан публицистнинг «Миллат, тақдир ва руҳият», «Танланган йўл», «Устувор масала — яратувчилик», «Ўзбекона демократия» каби бир қатор мақолалари ўрин олган.

**Б. ЭГАМҚУЛОВ.**


*Ҳурматли ватандошлар!*

«Асака» банки

ASAKA BANK

Сизларни кириб келаётган айём —

*Мустақиллик куни*

билан табриклайди

ва ўз жамғармангизни миллий валютадаги
янги муддатли «Мустақиллик—2007»
омонатига қўйишни таклиф этади.

Омонатнинг энг кам миқдори — *100 000 сўм.*

Сақлаш муддати — *3 ой.*

Омонатга йиллик *25%* ҳисобланади.

Омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобланган фоизлар ҳар ойда берилади.

Омонатга маблағлар 2007 йил 17 августдан 5 сентябргача қабул қилинади.

Омонатни банкнинг истаган филиалига қўйишингиз мумкин.

«Асака» банки — маблағингизнинг сақланиши ва кўпайишига кафолат.

Сизнинг барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

Маълумот учун телефонлар:
120-86-97, 120-86-87, 120-82-60, 120-81-73.



«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
**1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
**2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**


Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазирликнинг «O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi» журнали бош муҳаррири

**Вадим Иванович СИРОТИНнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази жамоаси Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири Зиёда Ғаффоровага падари бузруквори

**НАСРИДДИН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси Сирдарё вилояти бўйича мухбири

**Равшан ШОДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Б. Зокиров номидаги Эстрада-симфоник оркестрининг бош дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматовга онаси

**ҲАФИЗА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 1234